



# Халқ сўзи

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 4 ноябрь, № 213 (5128)

Пайшанба

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ФУТБОЛ БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН НОГИРОНЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ АЪЗОЛАРИНИНГ БИР ГУРУХИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида Аргентинада ўтказилган 2010 йилги жаҳон чемпионатида голибликни қўлга киритиб, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишда жасорат ва матонат намунасини кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

#### «Дўстлик» ордени билан

**Кариев Рустам Игамбердиевич** — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг бош мураббийи

**Турсунбоев Хайдарали Умаралиевич** — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

#### «Жасорат» медали билан

**Арапов Мухаммадазиз Хакимович** — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

**Рустамов Умарали Махмудович** — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси  
**Тураҳмаев Қудрат Сайдиллаҳжаевич** — Футбол бўйича Ўзбекистон ногиронлар терма жамоасининг аъзоси

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2010 йил 3 ноябрь

## ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 3 ноябрь кuni Ўзбекистон ва Жанубий Корея ишбилармон доираларининг бизнес-семинари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Таълим ва Иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Корея Республикаси Импортерлар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир икки томонлама савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларига бағишланди. Унда Ўзбекистон ва Жанубий Кореянинг ташқи иқтисодий алоқалар, сармоя, машинасозлик, геология ва минерал ресурслар, қурилиш, кимё, фармацевтика каби соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ўринбосари А. Камолов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Президентимиз Ислоом Каримовнинг жорий йил февраль ойида Корея Республикасида давлат ташириги ўзаро муносабатларни янги мазмун билан бойитди. Ташриф асносида қўллаб-қувватлаш, жумладан, иқтисодий йўналиш-

да ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган қатор келишувларга эришилди.

Иқтисодий соҳада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қўлайлик яратиш тартиби амал қилади. Ўзбекистонда корейлик ҳамкорлар билан ташкил этилган 359 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда Жанубий Кореянинг 84 компанияси ўз ваколатхонасини очган. Улар машинасозлик, савдо, кимё, озиқ-овқат, энгил саноат, металлургия каби соҳаларда ишлаш, фармацевтика, сайёҳлик, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда иш юритаётди.

Бизнес-семинарда икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари билан ҳамкорликнинг янада ривожлантириш имкониятлари юзасидан фикр алмашди.

Анжуманда Жанубий Кореянинг «Hanshin International», «Irvine Business Group», «True Trading», «Shiba Korea», «Blue Bird», «World Juice», «Life and Line», «ICT» каби кўплаб фирма ва компаниялари раҳбарлари иштирок этди. Бу уларнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликка эътибори кучаяётганидан далолатдир.

(Давоми 2-бетда).



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

## ЗАМОНАВИЙ СПОРТ ЖИҲОЗЛАРИ

Ўзбек спортининг янада юксалишига хизмат қилади

Кеча пойтахтимиздаги Ўзбекистон Бадий академияси кўргазмалар залида «Sport-Expo — 2010» иккинчи ихтисослаштирилган республика кўргазмаси ўз ишینی бошлади.

Тадбирнинг тантанали очилиш маросимида таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида баркамол авлодни тарбиялаш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Ушбу масъулиятли вазифини рўйбега чиқаришда спортнинг ўрни беқийёс. Шу боис нафақат шахарларда, балки чекка қишлоқ жойларда ҳам бири-бирдан кўркам, мухташам спорт мажмуалари барпо этилиб, ишга туширилаётди.

Муҳим жиҳати, ёшларда спортга иштиёқ ортгани сайин эришилаётган натижалар ҳам яхшиланиб бормоқда.

Кейинги йилларда, айниқса, яккакураш спорт турлари бўйича салмоқли ютуқлар қўлга киритилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Эндиликда кикбоксинг ва универсал жанг бўйича кўп қарра жаҳон чемпиони Алишер Абдуллаев, таэквондо WTF бўйича Олимпиада уйинлари иштирок-

чиси, халқаро турнирлар голиби Акмал Эргашев, муай-тай бўйича жаҳон чемпиони Мавлонбек Қаҳҳоров сингари мамлакатимиз фахрига айланган спортчилар кам эмас.

Мазкур кўргазма Республика шарқ яккакурашлари ва жанг санъати маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини

ривожлантириш жамғармаси ҳамда «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди. Уни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад жисмоний тарбия ва спортни янада оммалаштириш, тегишли федерациялар билан спорт жиҳозлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат.

Кўргазма павильонларида мамлакатимиздаги ўттизга яқин яккакураш федерациялари эришган ютуқлар, махсус спорт инвентарлари ва кийим-кечаклар намоиш этилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

### 2010 йил — Баркамол авлод йили

Мамлакатимизда Президент Ислоом Каримов раҳнамолигида инновацион гоёларни ишлаб чиқаришга кенг татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани иқтисодиётни модернизация қилиш, техник ва технологияларни янгилаш, қўшимча қийматга эга, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

## ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори мамлакатимизда илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграция алоқаларини ривожлантириш, илм-фан соҳасида ҳар томонлама иқтидорли ёшларни тарбиялаш ва уларни қўллаб-қувватлашда муҳим дастуриламал бўлаётди.

Бу Қўнғирот сода заводи қошида ташкил этилган Тошкент кимё технологиялари институтининг махсус сиртки бўлимида кимё, нефть ва газ саноати корхоналари-

да инновацион технологияларни қўллашнинг энг муҳим вазифаларига бағишланган илмий-амалий анжуманда яна бир бор таъкидланди. Тадбирда мамлакатимиздаги бир қатор олий ўқув юртлари раҳбарлари, Тошкент кимё технологиялари институти профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар, Қўнғирот сода заводи техник-муҳандислари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари Исмоил Санғиназаров, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси қўмита раиси Баҳамдулла Нурабуллаев ва бошқалар барча соҳаларда замонавий технологиялар

шиддат билан тараққий этиб бораётгани, мамлакатимизда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, илмий тадқиқотларни жамиятимизнинг аниқ эътиборига изчил йўналтириш, корхоналарни модернизация қилиш, илғор технологияларни жорий этиш бора-сидаги ишлар улкан самаралар бераётганини таъкидлади. Айни жараён-да талаба-ёшларга, хусусан ёш олимларга кенг имкониятлар яратиб берилган эътиборга молик. Бу эса, ўз навбатида, ёшларни илм-фан ютуқларини пухта эгаллашга, самарали инновацион гоёлар устида ишлашга рағбатлантирмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## НАНОФИЗИКАНИНГ

### ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Пойтахтимизда «Нанотехнология: муаммолар ва истиқболдаги вазифалар. Квант функционал материаллар ва қурилмалар» мавзусида Ўзбекистон ва Жанубий Корея олимларининг навбатдаги қўшма симпозиуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иссиқлик физикаси бўлими томонидан Жанубий Кореянинг Донггук университети ҳузуридаги «Квант функционал яримўтказгичлар» илмий тадқиқот маркази ҳамда Фан ва техникани қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган бу тадбирда икки мамлакатдан олим ва мутахассислар, олий таълим муассасалари профессор ва ўқитувчилари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги алоқалар барча жабҳаларда, жумладан, илм-фан соҳасида ҳам жадал тараққий этаётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Мамлакатимизда илм-фан ва инновация соҳаларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар юксак самаралар бераётди. Бунда Президентимиз Ислоом Каримовнинг 2008 йил 15 июлда қабул қилинган «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Иссиқлик физикаси бўлимида ташкил этилган наноматериалларнинг хусусиятларини ўрганувчи тарихий асбобларни янгилик билан тадқиқот маркази ўта ноёб техника — ёритувчи электрон микроскоп билан жиҳозланган. Бу мутахассисларимизга наноматериалларни тасвирга олиш ва кечаётган жараёнларни янада аниқ кузатиш имконини бермоқда. Бу ердаги истиқболли тадқиқотлар лабораторияси илмий ишларни янада жадаллаштиришга хизмат қилаётди.

(Давоми 3-бетда).

## МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

### Модернизация натижаси

**ФАРҒОНА.** Олтириқ туманининг Полосон қишлоғида фаолият кўрсатаётган «Фромодатекстиль» масъулияти чекланган жамияти чеварлари яқин вақтларгача мослаштирилган бинода меҳнат қилишар эди.

Акциядорлик тижорат «Асака» банкнинг туман филиали томонидан ажратилган 20 миллион сўмлик кредит ҳисобига корхона учун янги ишлаб чиқариш биноси қуриб битказилди. Энди тикувчилар кенг ва ёруғ хоналарда, Хитой ва Тайвань мамлакатларидан келтирилган замонавий дастоҳ ва ускуналар ёрдамида кийим-кечаклар тайёрлашаёпти. Эътиборли жиҳати, корхона тўла қувват билан ишлаб бораётган бўлиб, 50 га яқин қўшимча иш ўринлари яратилди. Шу билан бирга, бу ерда ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотлари тури 50 дан ошиб кетди. Айни кунларда корхона жамоаси ўз маҳсулотларини экспорт қилишни мўлжаллашмоқда.

**Н. СОБИРОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

## Аҳоли бандлиги таъминланмоқда

**СУРХОНДАРЁ.** «Қумқўрғонматлуботсавдо» масъулияти чекланган жамиятида 36 минг 472 АҚШ доллари эвазига хориждан олиб келинган замонавий технологиялар ўрнатилиб, ишга туширилган эди.

Ҳозир мазкур технология ёрдамида кунга икки тоннагача ун қайта ишланмоқда. 8 киши меҳнат қилаётган ушбу цехда 12 турдаги нон ва нон маҳсулотлари тайёрланиб, аҳоли дастурхонига етказиб берилмоқда.

Таъкидлаш керакки, Қумқўрғон туманида жорий йилнинг ўтган даврида 20 га яқин ҳудудий инвестиция лойиҳаси ўзлаштирилиб, 200 дан ортиқ иш ўринлари яратилди.

**О. УСАНОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

## Маҳсулот тури қўпайди

**НАМАНҒАН** шаҳридаги «Истиқлол-2000» масъулияти чекланган жамиятида кенг қўламли модернизация ишлари амалга оширилгач, бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар тури 30 тага етди.

Айни пайтда жамиятда ишлаб чиқарилаётган пластмасса буюмларга ички бозорда талаб ортиб бормоқда. Корхонада жорий йилнинг ўтган даврида 489,1 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Айтиш керакки, Наманган шаҳридаги корхоналар томонидан шу йилнинг тўққиз ойи давомида 164,3 миллиард сўмлик халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқарилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

## ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИГИ МЕВАСИ

2010 йилнинг тўққиз ойи мобайнида мамлакатимизда қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиши

9 фоизни ташкил этди.

Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти туфайли жойларда қўллаб-қувватлаш ва инфратузилма объектлари ишга туширилди, намунавий лойиҳалар асосида янги уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Натижада юртимиз ҳудудлари янада обод бўлиб, аҳолининг яшаш шароити эса сезиларли даражада яхшиланди.

(Давоми 3-бетда).

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда “Адвокатура тўғрисида”ги ҳамда “Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Андижон вилоятидаги ижроси тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.**



Андижон вилоятидаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

## ҚОНУН ВА ИЖРО САМАРАДОРЛИГИ

Этироф этилганидек, мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида адвокатура институтини янада такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Зеро, мазкур институтнинг ислоҳ қилиниши суд-ҳуқуқ соҳасидаги янгиланишларнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан йиғилишда Андижон вилоятида юқорида кайд этилган қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар қилингани таъкидланди. Хусусан, вилоят адлия бошқармаси томонидан ҳудуддаги мавжуд адвокатлик тўғрисидаги тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилган.

Йиғилишда вилоятда ижроси ўрганилган қонунларни амалиёт-

га татбиқ этиш борасида айрим камчиликлар мавжудлигига ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, Адвокатлар палатасининг Андижон вилояти ҳудудий бошқарма-

даврига қадар Адвокатлар палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан текширувлар давомида 2 нафар адвокат лицензиясининг амал қилиши тугатилган,

### Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади.

сига фуқаролардан келиб тушган шикоятлар, аризалар ҳамда судлар ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органларидан тақдимномалар таҳлил қилинганди, вилоятда фаолият юритаётган айрим адвокатлар томонидан амалдаги қонун нормаларида белгиланган адвокатнинг касб этикаси қоидалари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёдига қатъий риоя этмаслик ҳолатлари учраган. Биргина 2009 ва 2010 йилнинг ҳозирги

5 нафар адвокат лицензиясининг амал қилиши турли муддатга тўхталганлиги, 7 нафар адвокатга эса “огоҳлантириш” интизомий эҳвоси чораси қўлланилганлиги адвокатлар томонидан амалдаги қонун нормаларида белгиланган қоидаларга лозим даражада риоя этилмаётганлигига кўрсатади.

Мазлумки, амалдаги қонунларда шахс тўловга қобилиятсизлиги сабабли кўрсатилган юридик ёрдам ҳақини тўлашдан озод эти-

лиши, жиноий ишни кўриб чиқишда қатнашишга тайинланган адвокатнинг юридик ёрдами учун ҳақ тўлаш белгиланган тартибда давлат ҳисобидан амалга оширилиши билан боғлиқ қоидалар кўрсатиб ўтилган. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқий ёрдамга бўлган эҳтиёжлари, қолаверса, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, биринчи навбатда, давлат муҳофазати эканлигини яққол намоён этади. Шундай бўлса-да, аҳолининг айрим тўловга қобилиятсиз қатламлариға кўрсатилган юридик ёрдам учун адвокатлар меҳнатиға ҳақ тўлашда кечикишлар мавжуд.

Йиғилишда мавжуд камчиликларнинг бартараф этиши, адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатларини амалиётда сўзсиз бажарилишини таъминлаш, қонун нормаларининг қўлланилиши механизмини янада такомиллаштириш юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# МАВСУМГА ҲОЗИРЛИК ҚИЗГИН

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг таянчи бўлган доимий комиссияларнинг фаоллиги минтақавий муаммолар, хусусан, сайловчилар томонидан кўйилмаётган масалалар ечимида алоҳида аҳамият касб этади. Улар ташаббуси билан депутатлар муҳокамаси орқали ҳал этилаётган долзарб вазифалар ҳудуд ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Бу, масалан, вилояти- мизда табиий газ ва ичимлик сув таъминотини янада яхшилаш бўйича комиссия- ми томонидан амалга оширилган тадбирлар натижа- সিда ҳам яққол кўзга ташланапти.

маторлар ўрнатилди. 22 километр янги тармок торти- либ, 3 километр узунликда- ги линия мукамал таъмир- дан чиқарилди. Натижада 18 та аҳоли пунктидаги 7935 нафар ҳамюртимиз- нинг ичимлик сув таъми- ноти яхшиланди.

### Доимий комиссияларда

Доимий комиссиянинг амалий кўмаги табиий газ таъминотини яхшилашда ҳам ўз натижасини бераёт- ти. Масалан, Янгикўрган туманининг Оқтом қишло- гида 7,8 километр янги тармок қуриш, Наманган туманидаги Миришкор қишлоғида кичик ҳажмда- ги тақсимлаш қурилмаси ўрнатиш ишларини комис- сия доимий назоратиға олди. Айни чоғда мазкур лойиҳалар ниҳоясига ет- казилмоқда. Биз вилоят қи- шлоқларида намунавий лойиҳа асосида барпо эти- лётган 16 та янги даҳдада 500 та коттеж кўриниши- да- ги уйлари газлаштириш ишларини ҳам мунтазам назорат қилиб бораёмиз. Ҳозирги кунда уларға 17,7 километр узунликда тар- моқлар тортилмоқда.

Депутатлар кўмагида жойларда олиб борилган мониторинг аяунлари ҳам аҳоли газ таъминотини яхшилашга ёрдам бераёти. Масалан, Учқўрғон тумани- даги Кўгай сайлов округи- да бурчимизни сидқидилдан адо этиш ҳисси наватбатдаги режаларимиз ижроси изчиллигини таъминлашда муҳим ойна бўлиши; шубҳасиз

Абдували АКРОМОВ, халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши сановат, транспорт, қурилиш, коммунал ва аҳолиға маиший хизмат кўрсатиш масалалари доимий комиссияси раисининг ўринбосари.

### Қашқадарё томонларда

**“Баркамол авлод йили” Давлат дастури доирасида вилоятдаги фойдаланилмаётган бинолар ва ётқончалар қайта реконструкция қилиниб, имтиёзли равишда ёш оилаларға берилмоқда.**

### Ёш оилалар уйли бўлади

Жумладан, Нишон туманидаги “Толмиаржон” иссиқлик электр станцияси унитар корхонасига тегишли супермаркет биноси мукамал таъмирдан чиқарилиб, турарлиқ айлантилди. Натижада 16 нафар ёш оила уй билан таъминланди. Ушбу мақсадлар учун 320 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

### Иқтидорли болалар беллашув

Қарши санъат коллежиди “Янги авлод — 2010” республика болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Камалак” болалар ташкилоти ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда 190 нафардан ортиқ иждоқор болалар мумтоз вокал, миллий чолғучилик, ракс, шеърят ҳамда тасвирий ва амалий санъат йўналишлари бўйича ўз иқтидорларини синовдан ўтказдилар. Тадбир доирасида гаала-концерт ва ёш мусаввирларнинг кўرғазмаси ташкил этилди.

### Биогаз — муқобил энергия манбаи

Ёқунда 19 нафар яққон ва 2 та жомоға голиблик насиб этди. Эндиликда улар фести- валнинг республика бос- қичида вилоят шарафни ҳимоя қиладилар.

Унинг ёрдамида бир кеча-кундузда 15 кубометр биогаз ишлаб чиқариш мумкин. Бу аса бир хондан эҳтиёжлари учун етарли энергия манбаидир.

**А. МУХАММАДИЕВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

### Ички бозорни импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиртишда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, хусусан, четдан келтириладиган хом ашёни ўзимизда тайёрлаш, сановатта илгор технологияларни кенг жалб қилиш муҳим аҳамиятга эға.

## ЮКСАЛИШНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

Бундан бир неча йил муқаддам ташкил этилган масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Кегейли буюн” Ўзбекистон — Австрия қўшма корхонаси ҳам давлатимиз томонидан яратиб берилган ана шундай имкониятлардан фойдаланиб, ўз фаолиятини кенгайтиришга эришмоқда. Дастлаб корхонада маҳаллий шароитда ўсадиган буюн ўсимлиги илдизини қайта ишлаш йўлга қўйилганди. Фармацевтика сановатида кенг қўлланиладиган ушбу хом ашёга талаб ошиши билан, бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми ҳам кескин кўпайди. Жумладан, жорий йилнинг 9 ойида корхона жомоаси томонидан 300 миллион сўмлик, бошқача айтганда, 428,5 тонна буюн ўсимлиги илдизини тайёрлаб, истеъмолчиларға етказиб берилди.


Шундан қарий 37 минг АҚШ долларлик хом ашё хоризға экспорт қилинди.

Муҳими, жамият ўз фаолиятини кен- гайтириб, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришға ҳам эътибор қаратмоқда. Утган йилнинг январь ойида “Кегейли буюн” қошида гўштни қайта ишлаш кичик корхонаси қуририлган эди. Бу ерға Австралиятан замонавий ус- куналар келтирилди. Соатига 200 килограмм гўштни қайта ишловчи техно- логия ёрдамида даст-

### Интилиш

этиборли жиҳати, кичик корхона фаолияти йўлга қўйилган, 25 киши доимий иш билан таъминланди.

Президентимиз Қорақалпоғистон Республикасига ташриф чогоди корхонамизга келиб, бу ердаги ишлаб чиқариш жараёнири билан яқиндан танишиди, — дейди “Кегейли буюн” қўшма корхонаси раҳбари Э. Авазов. — Ушбу учра-



Ҳидоят АХМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Иқтидорли болалар беллашув

Қарши санъат коллежиди “Янги авлод — 2010” республика болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Камалак” болалар ташкилоти ҳамда Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда 190 нафардан ортиқ иждоқор болалар мумтоз вокал, миллий чолғучилик, ракс, шеърят ҳамда тасвирий ва амалий санъат йўналишлари бўйича ўз иқтидорларини синовдан ўтказдилар. Тадбир доирасида гаала-концерт ва ёш мусаввирларнинг кўрғазмаси ташкил этилди.

## ИННОВАЦИОН ҒОЯЛАР — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугун ҳар қандай янгилик, юқори самара берадиган ғоя ва аниқ натижаларға эға лойиҳаларни бевосита ишлаб чиқаришға фаол татбиқ этиш имконияти яратилган. Анжуманда ана шундай имкониятлардан самарали фойдаланаётган талаба-ёшларнинг илмий изланишлари, тадқиқотлари, ғоялари, яратибдан янгиликлари ҳақида сўз юритилди.

Тошкент киёме технологиялари институтининг Кўнғирот сода завод қошидаги махсус сиртки бўлими магистри Света Оспанова мамлакатимиз ҳудудида мавжуд хом ашёдан фойдаланган ҳолда, кир ювиш воситаларини ишлаб чиқаришда асосий компонент бўлган махсулотни яратди.

— Бунда Кўнғирот сода заводида ишлаб чиқариладиган кальцийланган

сода ва унинг ярим махсулоти бўлган натрий бикарбонатдан фойдаландим, — дейди С. Оспанова. — Ушбу қоршима замонавий кир ювиш воситаларини ишлаб чиқаришда муҳим ўрин тутди.

Бу инновацион ғоя амалда ўз ис- ботини топиб, ишлаб чиқаришға жорий қилинмоқда. Завод ҳузурида қўшма корхона ташкил этилиб, келгуси йилдан кир ювиш восита- лари тайёрлашни йўлга қўйиш режа- лаштирилган.

Илмий-амалий анжуманда киёме, нефть ва газ сановати корхоналари учун малакали кадрлар тайёрлаш, уларнинг илмий салоҳиятини ошириш борасида ҳам фикрлар билдирилди. Илмий мунозараларда талаба-ёшлар томонидан яратилаётган 30 дан ортиқ илмий ишлан- малар, ғоя ва лойиҳалар муҳокама этилди.

**А. ОРТИҚБОВ,** ўза мухбири.

### Сифатли деворбоп материаллар

Нурободда йилига 2,8 миллион дона пишик гишт ишлаб чиқаришға иссиқлаштирилган “Шамс мир” корхонаси ташкил этилди.

У 406 миллион сўмлик маблағ эвазига хориз технологияси асосида жиҳозланди. Шундан 212,5 минг АҚШ долларлик маблағ тўғридан-тўғри жалб қилинган хориз сармоясидир.

Айни пайтда 25 киши меҳнат қилаётган корхонада ҳудуддаги қурилиш ташкилотлариға сифатли деворбоп материаллар етказиб берилмоқда.

**А. САТТОРОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

шув жомоамиз учун уну- тимас воқеа бўлди. Бар- чамизни янада ғайрат-ши- жоат билан меҳнат қилиш, янги марраларни забт этишға ундади. Бугун ана шу учрашувдан руҳланиб, фаолиятимизни янада са- марали ташкил қилишға ҳаракат қилаёмиз.

Корхонада компьютер- лар орқали бошқарилаётган замонавий техноло- гиялар ёрдамида ҳозир кунига 4,5 тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқари- лмоқда. Шу асосда мутта- сил ўсиш жараёни кузати- лапти. Мисол учун, ўтган йили бу ерда 430,8 милли- он сўмлик 64 тонна кол- баса махсулоти тайёрлан- ган бўлса, жорий йилнинг 9 ойидаёқ мазкур қирсат- ки қарий 59 тоннаға етди. Қувварнараси, маҳсу- лотлар нафақат ички бо- зорға, балки қўшни давлатларға ҳам етказиб берилмоқ- да. Корхона таъ- سيسисиси бўлган “Абил бог” фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни мутта- сил гўшт билан таъминлаш мақса- дида бурдокичилик комплекси барпо этилаётди. Мухта- сар қилиб айтган- да, яратиб берилаётган бундай кенг қўламли имконият- лар корхонанинг иқтисодий жиҳат- дан янада юксали- ши учун замин яра- таяпти.

**Ҳидоят АХМЕДОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

## ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАМКОРЛИГИ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

— 1970 йилда ташкил топган уюшмаимиз тизимда тўққиз мингдан зиёд компания фаолият юритади, — деди Корея Республикаси Импортчилар уюшмаси раиси Ли Жу Тэ. — Биз маҳсулот ва хизматларни импорт қилиш билан шугулланамиз. Машинасолик, энгил сановат, қурилиш, озиқ- овқат каби соҳаларда иш юритувчи корхона- лар махсулотларининг Жанубий Кореяға импортини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбе- кистонға келдик. Мамлакатларимиз ўрта- сида ўзаро манфаатли муносабатлар қарор топган, савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Товар айирбошлаш ҳажми

муттасил ошиб бормоқда. Ўзбекистонда хор- жиқлик ишбилармонларнинг муваффақият- ли иш юритиши учун барча шароит, имко- ният ва имтиёзлар яратилгани ўзаро ҳам- корликни янада кенгайтириш ва мустаҳ- камлашға хизмат қилмоқда.

Бизнес-семинар якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Корея ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказил- ди. Иштирокчилар ўзаро муносабатларни ривожлантириш, биргаликда икки томон- лама манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари юзасидан фикрлашиб олди.

**Мадина УМАРОВА,** ўза мухбири.

## ЗАМОНАВИЙ СПОРТ ЖИҲОЗЛАРИ

ўзбек спортининг янада юксалишига хизмат қилади

дам олиш ва машгулот ўтқа- зишға мўлжалланган спорт ки- йим-кечаклари нафақат ички бозоримизда, балки хоризда ҳам ўз харидорларига эға. Корхона менежери Анастасия Полудничаниннг айтишича, бу ерда тайёрланаётган махсулот- ларнинг 80 фоиси Германия, Россия, Туркия давлатлариға экспорт қилинмоқда.

лакатимизда спорт билан шу- гулланаман, деган ёшлар учун барча имкониятлар яратилган. Барпо этилган спорт саройла- рини керакли инвентарлар билан таъминлашда, асосан, маҳаллий корхоналаримиз махсу- лотларидан фойдаланилаётган бу борадаги салоҳиятини на- мойиш этиш имконини бермоқ- да. Масалан, бокс ринглари, кураш гиламлари, танани ҳимоя қилишға мўлжалланган восита- лар сифат жиҳатидан хорижни- кидан сира қолишмайди.

— Спортда катта ютуқларға эришиш учун, биринчи навбат- да, зарур шароит бўлиши ло- зими, — дейди республика Шарқ яққакуррашлари ва жанг санъа- ти маркази раиси ўринбосари С. Тошхўжаев. — Бугун мам-

санъати билан шугулланаман, — дейди Шаҳзода Дадабоева. — Бир неча бор мамлакат чемпионати ва халқаро турнир- ларда голиб бўлганман. Бугун кўрғазмаға келиб, мураббийларим ёрдамида махсус кийим- лар сотиб олдик. Бундан кей- ин ҳам биз, спортчиларға ота- ларни гамағурилик кўрсатаётган Президентимиз ва халқимиз ишончини муносиб даражада оқлашға ҳаракат қиламиз.

Кўрғазма 5 ноябрға қадар давом этади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,** «Халқ сўзи» мухбири.

**Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давлатларнинг иқтисодий сиёсатини жиддий синовдан ўтказди. Молиявий таназзулга қарши чоралар кўрилиши, айниқса, миллиардлаб маблағларнинг шу мақсадга йўналтирилгани аксарият мамлакатларда давлат қарзларининг ҳаддан ташқари кўпайишига олиб келди.**

Масалан, "VisualEconomics" агентлиги тадқиқотларида келтирилишича, бу кўрсаткич Германияда 1,79 триллион, Буюк Британияда 1,05 триллион, Италияда 1,68 триллион, Францияда 1,40 триллион, Японияда 7,47 триллион АҚШ долларини ташкил этади. Булар ушбу давлатлар ялли ички маҳсулотининг ярмидан зиёдини ташкил этиши, айниқса, кўплаб молия институтлари ва таҳлилчиларнинг хавотирига сабаб бўлаётди. Умуман, бундай қарзлар инқироз даврида давлат бюджетига давом этаётган тақчилликни қоплаш ҳисобига йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу мақсадда, одатда, марказий банклар тегишли қийматда қимматли қозғолар чоп этади ва ҳукуматлар кафолати остида инвесторларга сотади. Келиб тушган маблағ эса бюджетдаги дефицитни қоплашга сарфланади. Жаҳон банки экспертларининг фикрича, давлат қарзлари ялли ички маҳсулотга нисбатан мутаносиб даражада бўлиши, яъни маълум меъёрдан ошмаслиги керак. Аниқроғи, бундай қарзлар миқдори ЯИМга нисбатан 77 фоиздан ортиқ бўлмаслиги лозим. Бунда, шунингдек, бюджетнинг даромад ва бурмад қисми барқарор бўлиши керак.

Умуман, давлат харажатларининг даромадга нисбатан муттасил ошиб бориши, иқтисодий бўҳрон боис аҳолининг истеъмол қуввати тушиб кетганлиги аксарият давлатлар бюджетига каттагина тақчилликни юзага келтирди. Мисол учун, ўтган йили АҚШда мазкур кўрсаткич 1,3 триллионни, яъни ялли ички маҳ-

## ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ИЗЧИЛЛИК

сулотга нисбатан салкам 10 фоизни, Буюк Британияда 12,6, Португалияда 8, Испанияда 12,4, Грецияда эса 12,7 фоизни ташкил қилди. Давлат бюджетидagi бундай ҳолат, табиийки, ушбу мамлакатлар инвестиция жозибасига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Хусусан, дунёга машҳур "Moody's" рейтинг агентлиги АҚШ, Франция ва Буюк Британияни бюджетдаги тақчиллик ва давлат қарзларининг ҳаддан ташқари кўпайиб бораётгани тўғрисида огоҳлантириб, вазият шу тахлит давом этса, келгусида уларнинг рейтингини тушириши мумкинлигини маълум қилди.

Эслатиб ўтиш жоиз, "Standard and Poor's", "Moody's" ва "Fitch" халқаро рейтинг агентликлари давлат бюджетларидаги муаммолар боис Греция, Испания, Португалиянинг кўрсаткичини пасайтирди. Оқибатда қимматли қозғолар бозоридан ушбу мамлакатларнинг облигациялари нархи кескин тушиб кетди. Улар, ўз навбатида, қимматли қозғолар бўйича фойз тўлови миқдорини оширишга мажбур бўлишди. Айни пайтда бу давлат бюджетидagi тақчилликнинг кўпайишига олиб келди. Шу боисдан ҳам мазкур рейтинг агентликлари бундай тадбирлари халқаро ҳамжамият томонидан кўп ҳам маъқулланма-

ди. Жумладан, Европа марказий банки раҳбари Жан-Клод Трише бундай хатти-ҳаракатларга эътироз билдириб, "рейтинг агентликлари бундай ҳолат, табиийки, ушбу мамлакатлар инвестиция жозибасига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Хусусан, дунёга машҳур "Moody's" рейтинг агентлиги АҚШ, Франция ва Буюк Британияни бюджетдаги тақчиллик ва давлат қарзларининг ҳаддан ташқари кўпайиб бораётгани тўғрисида огоҳлантириб, вазият шу тахлит давом этса, келгусида уларнинг рейтингини тушириши мумкинлигини маълум қилди.

Эслатиб ўтиш жоиз, "Standard and Poor's", "Moody's" ва "Fitch" халқаро рейтинг агентликлари давлат бюджетларидаги муаммолар боис Греция, Испания, Португалиянинг кўрсаткичини пасайтирди. Оқибатда қимматли қозғолар бозоридан ушбу мамлакатларнинг облигациялари нархи кескин тушиб кетди. Улар, ўз навбатида, қимматли қозғолар бўйича фойз тўлови миқдорини оширишга мажбур бўлишди. Айни пайтда бу давлат бюджетидagi тақчилликнинг кўпайишига олиб келди. Шу боисдан ҳам мазкур рейтинг агентликлари бундай тадбирлари халқаро ҳамжамият томонидан кўп ҳам маъқулланма-

### Шарҳ

Иқтисодий инқироз сабоқлари шуни кўрсатдики, айнан молиявий бўҳрондан қутулиб олиш эмас, балки ундан кейинги жараёни ҳам аниқ ва пухта ҳисобга олиш лозим. Кўпгина давлатларнинг таназзулини тўхтатишга қаратилган чора-тадбирлари инқироз суръатини тушириб, вазиятни бир оз юмшатган бўлса-да, ҳукуматларни жиддий муаммоларга дучор қилди. Хусусан, бюджет тақчиллигига барҳам бериш мақсадида давлат харажатларида кескин қисқартишлар амалга оширилиб, солиқлар миқдори кўпайтирилди. Пенсия ёши узайтирилди. Ижтимоий ҳимояга қаратилган маблағларни тежаш ҳисобига бюджетдаги мутаносибликни таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирлар Греция, Испания, Франция ва бошқа мамлакатларда аҳолининг жиддий норозиликка сабаб бўлаётди. Маълумки, мамлакатимизда

Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил таъбиқ этилмоқда. 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган мазкур дастур доирасида глобал инқирознинг оқибатларини, бугунги ва эртанги қутилаётган таъсирини ҳисобга олган ҳолда, ҳар томон-

лама ўйланган кенг қўламли лойиҳалар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг оқибатларини бартараф этиш, банк-молия тизимини мустаҳкамлаш, реал иқтисодиёт корхоналарига ёрдам кўрсатиш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш каби чора-тадбирларни амалга ошириш билан билан бирга, эртанги кунимизни, келажагимизни асло унутмаслигимиз кераклигини таъкидлаганди. Президентимиз "...биз ҳозирданок тараққиётимизнинг инқироздан кейинги даври ҳақида чуқур ўйлашимиз, бу борада узоқ муддатга мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш ҳақида бош қотиришимиз керак", деган эди.

Биз бежизга бундан икки йил аввал билдирилган мулоҳаза устида тўхталмаймиз. Чунки мамлакатимизда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва янгилашга доир беш тамойилга асосланган, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг амалга ошириб келинаётган иқтисодий ривожланишнинг "ўзбек модели", шунингдек, чуқур ва пухта ўйланган иқтисодий сиёсат макроиқтисодий ривожла-

ниш, банк-молия соҳасининг барқарор фаолият юритиши ва валюта захиралари кўпайишини таъминлади. Айни пайтда бу мамлакатимиз иқтисодиётини спекулятив капиталдан, жаҳон молия ва фонд бозорларидаги бошқариб бўлмайдиган стихия таъсирдан ҳимоялаш учун ишончли тўсиқ ва мустаҳкам захира бўлиб хизмат қилмоқда.

Турли молиявий инқирозларнинг олдини олиш, қолаверса, мамлакатни модернизация қилишга ҳорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улар учун мамлакатимизда энг қулай шарт-шароит яратиш билан бир қаторда, ички ресурсларни ишга солишга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани муҳим омил бўлаётди. Чунки, 2007 йилда инфратузилмани шакллантириш, ишлаб чиқаришни реконструкция ва модернизация қилиш билан боғлиқ ишларни бажариш мақсадида Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ташкил этилди. Бугунги кунда жамғармада 4,7 миллиард доллардан зиёд валюта маблағлари тўпланган.

Жамғарма маблағлари ва бошқа ресурсларни самарали йўналтириш ҳисобига Инқирозга қарши чоралар дастури ижросида изчиллик таъминланди. Энг муҳими, давлат бюджетда тақчиллик юзага келмади. 2008 йилда Давлат бюджети ижроси 1,5 фоиз профицит билан якунланди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий сиёсатнинг нечоғли самарали ва тўғри танлангани инқироз шароитида ўзини исботлади. Энг муҳими, бу ислохлар халқимизнинг фаровонлигига, юртимизнинг барқарор равангага хизмат қилаётди.

Қобил ХИДИРОВ.

## НАНОФИЗИКАНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимизда қаттиқ жисмлар физикаси, молекуляр физика, нозизиқли динамика каби фан мактабларини ривожлантириш, қилми фаолиятни изчил такомиллаштириш учун яратилган қулай шароит замонавий нанофизика соҳасида ана шундай муҳим натижаларга эришишга хизмат қилмоқда.

Симпозимда қаттиқ жисмлар физикаси, яримўтказкичлар ва юмшоқ наноўлчамли тизимлар физикаси, хусусан, фотон кристаллар ва углеводород нанотрубкалари, нанотузилишли юмшоқ тизимлар ҳамда суяқ аралашмаларда молекуляр ҳаракат, спинтрониклар учун магнитли яримўтказкичларга оид мавзуларда маърузалар тингланди. Нанофизика илми ва технологиялари соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, истиқболдаги вазифалар, соҳада кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

Нодира МАНЗУРОВА, ЎЗД мухбири.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА КҮМИТАСИ ОЛИЙ ҲАРБИЙ БОЖХОНА ИНСТИТУТИ

куйдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ҳамда улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотларни танловда иштирок этиш учун таклиф қилади.

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Ўлчов бирлиги учун энг юқори нарх
1.	Қуюлтирилган сўт (0,4 гр.)	дона	1 500	2 000 сўм
2.	Қоплас маҳсулотлари	кг	1 500	7 000 сўм
3.	Парранда туҳуми	дога	10 000	200 сўм
4.	Пшено ёрмаси	кг.	700	1 000 сўм
5.	Перловка ёрмаси	кг.	700	1 100 сўм
6.	Овсянка ёрмаси	кг.	500	1 000 сўм
7.	Ячневая ёрмаси	кг.	500	1 000 сўм
8.	Горох (Россия)	кг.	1 000	1 500 сўм
9.	Манка ёрмаси	кг.	800	810 сўм
10.	Горох (Ўзбекистон)	кг.	800	1 700 сўм

Тижорат таклифлари Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қозирабод 2-тор кўчаси, 118-ўйда жойлашган Олий ҳарбий божхона институти ташкилий назорат бўлинимасига ёзма равишда тақдим қилиниши лозим.

Телефонлар: (8-371) 244-56-26, 245-10-51. Ички телефонлар: 42-19, 42-33.

## Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

куйдагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади:

суний мўйнадан тайёрланган кулоқчин, «қум» рангли камуфляж панамалар, казарма шиппакалари, жигарранг трикотаж майкалар, ип-газлама каттак-катак (вафельное) сочиқлар, икки бармоқли камуфляж қўлқоплар, шевронлар, умумқўшин эмблемалари, ёстиқ устки жилдлари, чойшаблар, ип аралашган жунли одеяллар, даструмоқлар, ёқа устидан тақилайдиган ёқачалар.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент ш., Шота Руставели 1-берк к., 1-уй.

Талабгорлардан тендерда иштирок этиш таклифлари 10 иш кунини давомида қабул қилинади.

Маълумот олиш учун ҳар кун соат 9.00 дан 19.00 гача қуйдаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 255-75-12, 255-81-45, 231-31-47. Факс: 8 10 998 (371) 281-43-73.

## КЎРГАЗМАГА ШОШИЛИНГ!

## UZBEKISTAN Infrastructure

16-18 НОЯБРЬ 2010

«Ўзэкспомарказ», Тошкент, Ўзбекистон

www.ite-uzbekistan.uz

Guvochnoma № 3583

## Обод гузарлар файзи

Маргилон шаҳридаги Бурҳониддин Маргиний номи маҳаллада замонавий гузар ишга туширилди.

Бунинг учун тадбиркор Қудратилла Жалолов 10 миллион сўмлик маблағ сарфлади. Маҳалла аҳли эса гузар атрофини ҳашар йўли билан ободонлаштирди.

Маҳмуада дорихона, чойхона, новвойхона, гўшт дўкони, автомобилларга сервис хизмати кўрсатиш ва почта шохбчалари ҳамда Халқ банкининг минибанки ишлаб турибди.

С. НАБИЖОНОВ.

**15 ойлик КАФОЛАТ**

**akfa lighting**

**Сиз ҳам алмаштиринг!**

**Электр энергиясини тежовчи люминесцент ихчам чироқлари**

## Энергия тежовчи чироқларни харид қилишда нималарга эътибор бериш керак?

### Ихчамлик

Кейинги пайтда оддий чўгланма чироқлар билан деярли бир хил катталиқдаги энергия тежовчи чироқлар пайдо бўлаётган бўлса ҳам, энергия тежовчи чироқларнинг аксарият қисми чўгланма чироқлардан катта. Шунинг учун чироқ сизнинг қандилингиз ёки ёриткичингизга мос келишига эътибор беринг.

«Akfa lighting» чироқлари ихчам ўлчамга эга

- 11W - h=92 mm, d=38 mm
- 15W - h=100 mm, d=38 mm
- 20W - h=110 mm, d=52 mm
- 25W - h=114 mm, d=52 mm

### Қувват

Энергия тежовчи чироқлар қувватига кўра, бири-биридан фарқ қилади — чироқнинг қуввати қанча катта бўлса, у шунча кўп ёритади ва электр энергиясини ҳам кўпроқ истеъмол қилади. Шунинг учун чироқ харид қилишда унинг қувватига эътибор қаратинг.

«AKFA Lighting» чироғи ва оддий чўгланма чироқ қувватининг ўзаро тенглиги

- 11 Вт = 60 Вт
- 15 Вт = 75 Вт
- 20 Вт = 100 Вт
- 25 Вт = 125 Вт

### Цоколнинг тури

Харид пайтида цоколларнинг иккита асосий тури мавжудлигини назарда тутинг: E27 (деярли барча шифт қандилларда ишлатилади) ва E14 (ўлчами бўйича E27 дан бир оз кичик, кичик ёриткичлар, девор браларида ишлатилади). Цоколи ёриткич ёки қандилингизга мос келадиган чироқни танланг.

«Akfa lighting» чироқларида цоколнинг энг кўп тарқалган тури — E27 қўлланилади.

### Чироқнинг хизмат муддати

Чироқни танлашда унинг хизмат муддати ҳам эътибор беринг. Агар қандайдир сабабларга кўра чироқни ўрнатиш қийин бўлса, уни иложи борида камроқ қайта алмаштириш учун хизмат муддати энг юқори чироқни танлаган афзал.

«Akfa lighting» чироқларининг хизмат муддати — тинимсиздан ортиқ (4 йилгача), ёқилганда 8000 соатдан ортиқ (4 йилгача).

### Ранг ҳарорати

Чироқ танлашда маслаҳат бериш мумкин бўлган нарсани унинг ранг ҳароратидир. Чироқ ўрнатишни мўлжаллаётган хонангизда сизга қайси ранг маъқул бўлган бўларди? Шундан келиб чиққан ҳолда мос келадиган ранг ҳароратига эга чироқни танланг. 2700 — «иссиқ» ранг, оддий чўгланма чироқ ёруғлигининг рангига мос келади. 4200 — «оқ» ранг, одатдагидан ташқари совуқ ранг билан ёритади. 6400 — «кундузги» ранг, кўкмиртир ёруғлик рангига эга.

«Akfa lighting» чироқларида оқ ранг даражаси: 6500 К — кундузги ёруғлик.

### Сертификатлаш, штрих код, ишлаб чиқарувчи мамлакат

Ва ниҳоят, яна эътибор қаратиш керак бўлган ҳолатлар: қутида ишлаб чиқарувчи мамлакат, сертификатланганлик, штрих код, чироқ ишлаб чиқарилган корхонанинг расмий манзили кўрсатилиши лозим.

«Akfa lighting» чироқлари Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган, савдо маркаси рўйхатга олинган, маҳсулот сертификатланган ва қатъий сифат назоратидан ўтади.

Яхши хабарлар «БАХТ УЙИ» ЯНГИ БИНОДА

Бухоро шаҳридаги «Бахт уйи» маскани икки қаватли муҳташам бинода иш бошлади.

Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган Бухоро маданий марказида жойлашган мазкур кошолада тантаналар зали, келин-куёвлар учун пардозхоналар каби қатор қулайликлар яратилган.

Эндиликда келин-куёвлар маҳобатли «Кўхна ва боқий Бухоро» монументини зиёрат қилиб, никоҳдан ўтишяпти.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

МАҲАЛЛАДА МУҲТАШАМ КОШОНА

Балиқчи туманидаги Балиқчи қишлоғида барпо этилган маҳалла гузар қишлоқ қиёфасини тубдан ўзгартириб қолмай, бу ерда аҳоли учун қатор қулайликлар ҳам яратилди.

140 миллион сўмлик маблағ эвазига қурилган ушбу мажмуада 20 дан зиёд маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ишлаб турибди. Натижада 30 га яқин киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Туманда жорий йилнинг ўтган даврида ана шундай 8 та мажмуа қурилиб, фойдаланишга топширилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Бундан роппа-роса ўн икки йил муқаддам — 1998 йилнинг 23 октябрыда Самарқанднинг Челақ туманида «Ҳадис илмининг султони», «Бутун дунёнинг имоми», «Барча муҳаддисларнинг сарвари» дея шарафланган буюк ватандошимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий таваллудининг ҳижрий ҳисобда 1225 йиллиги муносабати билан маҳобатли ёдгорлик мажмуасининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтганди. Ушбу маросимда Президентимиз Ислам Каримов нутқ сўзлаб, жумладан, шундай деган эди: «Имом ал-Бухорий ҳазратлари нафақат ўзбек халқи, балки бутун мусулмон оламининг фахр-ифтихоридир. Ул табарруқ зотнинг ҳаёти том маънодаги илмий ва инсоний жасорат, буқилмас ирода, сўнмас эътиқод тимсолидир».

БУЮК АЛЛОМАГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Дарҳақиқат, бу сўзлар замирига назар ташласак, абадиятга дахлдор ҳақиқатни ҳис этишимиз. Алломанинг илмий ва инсоний жасорати «Ал-Жомий ас-саҳийх», «Ал-Адаб ал-муфрад», «Ат-Тарих-ас-сағийр», «Ат-Тарих ал-кабир», «Ат-Тарих-ал-авсат», «Китоб ал-Илал», «Бир ул-волидайн», «Асоми ус-саҳоба», «Китоб ал-қуна» ва шу каби йигирмага яқин асарларида яққол акс этади. Айниқса, унинг шох асари, шубҳасиз, «Ал-Жомий ас-саҳийх» (Ишончли тўплам) асари буқилмас ирода, сўнмас эътиқоднинг порлоқ тимсоли бўлиб, мана, 1200 йилдирки, ислом дини таълимотида Қуръони каримдан кейинги иккинчи ўринда турадиган қимматли манба сифатида қадрланиб келмоқда.

Имом ал-Бухорий умр бўйи ҳадисларни тўплаш ва тизимга солиш билан шуғулланган. Уларни саҳийх (ишончли) ва ғайрисаҳийх (заиф, хато)га ажратган. Бу иш эса шунчаки осон ва оддий тарзда амалга ошган деган киши адашди. Бухорий ҳадисларни тўплашнинг ҳадис ровийларининг маиший ҳаёти, яшаш жойи, туғилган ва вафот этган санаси, бир-бири билан ўзаро мулоқотларини чуқур ўрганган ҳолда олиб борган. Алақибат 600 мингта ҳадисни синчилаб текшириб, тўплашга му-

ваффақ бўлган. Ҳайратли томони, ноёб қобилият, тенгсиз истеъдод соҳиби сифатида 100 минг «саҳих» ва 200 минг «ғайрисаҳийх» ҳадисларни ёд билган. Ҳаёти ва илмий фаолияти давомида имом Бухорий даставвал Хижоз, Макка, Мадина, Тоиф, Жиддага, сўнг Басра, Куфа, Бағдодга сафар қилади. Шом ва Мисрни кезиб чиқади. Шунингдек, Хуросон, Марв, Балх, Ҳирот, Нишопур, Рай, Жибол каби шаҳарларда ҳам бўлиб, бу ердаги олимлардан сабоқ олади ва ҳадислар тўплайди.

Бугун юксак технологиялар инсоният хизматига. Лекин мазкур қулайликлар шароитида ҳам шунча олис шаҳарларга бориб, мукамал асар яратиш жуда мушкул. Милодий 800-йилларда буюк аждодимиз амалга оширган иш — нафақат мўъжиза, балки инсон заковатининг юксак тантанаси ҳамдир. Шу маънода, Имом ал-Бухорий халқимиз ва юртимиз ифтихори, шани ва шарафини белгилаб берадиган улў сиймолардан биридир. Таассуфки, ўтган истибодот асрлари ана шундай табарруқ зот хотирасини пардалар билан тўсди. Хобгоҳини вайроннага айлантирди. Нурафшон руҳини халқимиз қалбидан ўчиришди. Уларнинг

Яратганга беадад шукрларким, Истиклолимиз ва унинг меъмори Имом ал-Бухорийнинг ҳурмат ва эҳтиромини олий даражаларга кўтарди. У жаҳоний обрўси, шавкати, ибрати ва ҳикмати билан қалбларимиз тахтига қайтди. 1997 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Ма-

Тарихингдир минг асрлар...

камаси қарорига кўра, 1998 йилда Имом ал-Бухорий ҳазратлари таваллудининг 1225 йил (ҳижрий ҳисобда) тўлиши мамлакатимизда кенг кўламда нишонланиши, унинг қадамжоси обод ва сўлим манзилга айлантирилиши белгилаб берилган эди. 1998 йил 23 октябрь кунини бутун дунёни ўзининг маҳобати, чиройи, мафтункорлиги ва жозибаси билан лол қолдирган Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи зиёратчилар учун ўзининг улўвор дарвозасини очди. Алломани ёд этиб, Ер юзининг турли мамлакатларидан келган таниқли олимлар эса Самарқанд шаҳрида «Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида тугган ўрни» мавзуда бўлиб ўтган йирик халқаро илмий-амалий анжуманда иштирок этдилар. Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг «Имом Бухорий

халқаро марказини ташкил этиш тўғрисидаги қарори жонаҳон юртимизда буюк муҳаддиснинг ҳаёти, беназир, оламшумул аҳамиятга эга бўлган улкан илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш йўлидаги амалга оширилаётган ишларнинг янги, изчил ва фаол босқичини бошлаб берди.

Ушбу эзгу мақсад йўлида Президентимиз қарори билан ташкил этилган мазкур марказ фаолиятида юксак инсоний ғоялар ва муқаддас қадриятларимизни ўзига ифода этган манбаларни тизимли асосда тадқиқ қилиш, улардан маънавий-ахлоқий тарбия ишларида фойдаланиш учун зарур дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий-амалий тавсиялар тайёрлаш муҳим ўрин тутди.

Ўтган вақт мобайнида ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда,

форс тилларида битилган сақиз юздан ортиқ қимматли кўлэма ва тошбосма асарлар сақланмоқда.

Таъкидлаш керакки, марказда юртимиздан етишиб чиққан буюк ҳадисшунос алломалар ҳаёти ва меросини илмий асосда чуқур тадқиқ этиш, улардан кенг халқ оммасини баҳраманд қилиш борилмоқда. Ўтган йили марказ томонидан «Буюк алломаларимиз» рўқни остида ўн икки нафар аллома ҳаёти ва илмий меросига оид муҳтасар маълумотлар баён этилган рангли плакатлар нашр қилиниб, юртимиздаги таълим муассасалари ва тегишли ташкилотларга тарқатилди. Имом ал-Бухорийнинг ибратли ҳаёт йўли ва беназир илмий маънавий мероси ҳақида турли даврларда ёзилган тарихий асарлар ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилди. Шулар жумласидан, ҳиндистонлик машҳур олим, шайх Абдусалом ал-Муборакфурийнинг бир юз олтидан ортиқ ёзма манбаларга таяниб араб тилида битилган «Сийрати Имом ал-Бухорий» номли қимматли асари ўзбек тилига таржима қилиниб, китоб ҳолида босмадан чиқарилди. Улуғ зот ҳаёти ва фаолиятига оид янги маълумотлар жамланган, мустақиллик йилларида юртимизда Имом ал-Бухорий меросини ўрганишга қаратилган эзгу ишлар ҳақида, ул табарруқ зотга юксак эҳтиром баён этилган «Ҳадис илмининг султони» китоби ҳам марказимизда тайёрланиб, йигирма беш минг нусхада чоп этилди. Шунингдек, саккизинчи асрда Моаваруннаҳр дивердан етишиб чиққан буюк муҳаддис Абдуллоҳ ибн ал-Муборак ал-Марвазийнинг (736-798 йиллар) ҳаёти ва илмий ижодий фаолиятини, айниқса, унинг юксак инсоний фазилатларини батафсил ёритган олим Муҳаммад Усмон Жамол асарининг аслияти ҳам араб тилидан таржима қилиниб, халқимизга етиб борганлиги айна мудоаидир.

Хуллас, Имом ал-Бухорий она-Ватанида истиқлол йилларида қадр топди. Бу шунчқик қадр эмас, юксак эъзоз, эҳтиром, ҳурмат ва ифтихордир. Биз бугун гурур билан «Бизким, Имом ал-Бухорий юртиданмиз ва билингки, Имом ал-Бухорий фаровон, тинч ва осуда яшаётган келажаги буюк халқнинг энг ардоқли аждодидир», дея баралла айта оламиз.

Убайдулла УВАТОВ, Имом Бухорий халқаро маркази директори, тарих фанлари доктори, профессор.

Спорт

Яқинда Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида бўлиб ўтган «Қироллик кубоги» халқаро турнирида оғир атлетикачиларимиз муваффақиятли иштирок этиб қайтдилар.

Айниқса, Қорақалпоғистоннинг Тахиа-тош туманидан етишиб чиққан спортчи Шўхрат Шомуродов 105 кг. вазн тоифасида қатнашиб, юқори натижага қайд этди. Истеъдодли атлет даст кўтаришда 125 кг., силтаб кўтаришда 164 кг., жами 289 кг. оғирликини ўзига бўйсундириб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Умумий ҳисобда мамлакатимиз терма жамоаси вакиллари 2 та олтин, 13 та кумуш ва 6 та бронза медали билан мезбонлардан сўнг иккинчи ўринни эгаллади.

Ҳ. АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



БАСКЕТБОЛЧИ ҚИЗЛАР БАҲСИ

Наманганда спортнинг баскетбол тури ҳам тобора оммавийлашиб бормоқда. У билан ишчи шуғулланаётган ёшлар орасида, айниқса, иқтидорли қизларни кўпроқ учратиш мумкин.

Вилоят марказидаги Олимпия захиралари спорт коллежида қизлар ўртасида ўтказилган республика чемпионати мусобақаларида уларнинг маҳорати яна бир қарра намён бўлди.

Чемпионат баҳсларида мамлакатимиз вилоятларидан ташриф буорган 6 та терма жамоа куч синашди. Пировардида голиблик мезбонларга насиб этди. Тошкент шаҳри ва Андижон вилояти вакиллари эса кейинги поғоналарни эгаллади. Фахрий ўринни кўлга киритган баскетболчи қизлар жамоаларига чемпионат ташкилотчиси — Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг диплом ҳамда махсус совринлари топширилди.

Қ. НАҲМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

OB-ҲАВО (4 ноябрь) Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгартиб туради, ёнгарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илқ, атрофида, кундузи 8-13 даража илқ бўлади. Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёнгарчилик кутилмайди. Жойларга туман тушади. Ҳарорат тунда 1-6 даража илқ, кундузи 10-15 даража илқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолида эса кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илқ атрофида, кундузи 8-13 даража илқ бўлади. Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгартиб туради, ёнгарчилик кутилмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 1-6 даража илқ, кундузи 10-15 даража илқ бўлади. Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ёнгарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 2-7 даража илқ, кундузи 13-18 даража илқ бўлади. Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгартиб туради, ёнгарчилик кутилмайди. Туман тушади. Тунда 1-6 даража илқ, кундузи 10-15 даража илқ бўлади. Тошкент шаҳри. Ёнгарчилик бўлмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Ҳарорат тунда 1-3 даража илқ, кундузи 10-12 даража илқ бўлади. «Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

НАЦИОНАЛЬНАЯ ВЫСТАВКА АЗЕРБАЙДЖАНА TASHKENT 5 — 7 ноября 2010 NATIONAL EXHIBITION OF AZERBAIJAN TASHKENT 5 — 7 November 2010 «УЗЭКСПОЦЕНТР» НВК / «UZEXPOCENTRE» NEC

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 августдаги ПҚ-1396-сонли қарорига асосан, Навоий вилояти, Учкудуқ шаҳри, Кўкпатас қўرғонига жойлашган «Кўкпатас ГКЭ» ДК (СТИР 200010615) Навоий КМК таркибига қўшилаётганлиги муносабати билан барча даъво ва талаблар 2 ой давомида қуйидаги тел./факс орқали қабул қилинади: (8 436) 278-25-75. Электрон манзил: kokpatas@rambler.ru

SONATA Ўз йўлингни танла! Drive your way. Кафолат — 2 йил ёки 50 000 км. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН. www.hyundai.com.uz Tel. (8-371) 250-11-11

«UzCarlsberg» МЧЖ ишлаб чиқарадиган махсулотлар чакана савдоси билан шуғулланадиган юридик шахслар раҳбарлари ва уларнинг вакиллари ҳамда яқка тартибдаги тадбиркорлар диққатига! Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган «Реклама тўғрисида»ги Қонунига тамаки, тамаки махсулотлари ва алкоғолли ичимликларни реклама қилиш тартиби, шунингдек, реклама тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик қоидаларига муҳим ўзгаришлар киритилганлиги муносабати билан қонунчиликнинг барча талабларига риоя қилган ҳолда уларни тўлиқ ва оғишмай бажаришингизни сўраймиз.

Table with 4 columns: ЦЕМЕНТ (п/т400 д20) 151,2 ▼ -6,5; ЦЕМЕНТ (п/т400) 142,2 ▼ -1,2; АРМАТУРА 1320,0 ▼ -1029,4; ШИФЕР (1 лист) 14453 ▲ +225; АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1; Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.

Халқ сўзи Народное слово МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1003. 38310 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибит 233-10-28; Эълонлар 236-09-25. ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтариб берилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас. Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. [Г]-Тижорат материалли «Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.55 Топширилди — 21.55

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — А. Қутбидинов. Навбатчи — Ф. Абиллов. Мусоҳаҳ — С. Исмолов. 1 2 4 5